

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
ҲУКМИ

2025 йил апрель ойининг 29 куни, Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносидан, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Т.Ваҳобов,

ҳайъат судьялари: Х.Сотволдиев ва Ф.Сиддиқовадан иборат таркибда, А.Эшматовнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Н.Асқаров, химоячи Ш.Супиев ва судланган КАнинг иштирокида, КАга оид жиноят ишини Фарғона вилоят прокурори ўринбосарининг кассация тартибидаги протести асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2024 йил 11 сентябрдаги ҳукмига кўра:

КА, 1973 йил 4 майда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 1994 йил 17 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси (эски таҳрирдаги) ЖКнинг 81-моддаси билан 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

2) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2000 йил 11 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

3) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2003 йил 14 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан 136.000 сўм жарима жазосига судланган;

4) жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2010 йил 23 июндаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;



5) жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2012 йил 25 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

6) жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2014 йил 13 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 5 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандига асосан жазодан озод қилинган;

7) жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2015 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 273-моддасининг 5-қисми, 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан, ЖК 59-моддасининг 3-қисми тартибида 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 26 январдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 20 январдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2015 йил 17 декабрдаги ҳукми ва жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 26 январдаги ажрими ўзгартирилиб, ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан тайинланган жазо муддати ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 6 йилга келтирилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони тўлиқ ўтаган, вақтинча ишсиз, Қўштепа тумани, “Қорақушчи” МФЙ, Турон кўчаси, 68-уйда яшайди, муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 30 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, КАга нисбатан жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2024 йил 5 апрель кунги қарори билан 6 ойга маъмурий



назорат ўрнатилиб, Фарғона вилояти худудидан ташқарига ИИБнинг рухсатисиз чиқиб кетмаслик, ҳар ойнанинг белгиланган кунида Қўштепа тумани ИИБдан рўйхатдан ўтиб туриш, ҳар куни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 06-00 га қадар ўз уйидан кўчага чиқмаслик, алкоғолли маҳсулотлар билан савдо қилувчи ресторан, бар ва бошқа кўнгилочар жойларга бормаслик каби чеклашлар белгиланган ва муқаддам маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2023 йил 18 сентябрь кунги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддаси билан маъмурий жазога тортилган бўлса-да, маъмурий назорат остида турувчи КА бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, маъмурий назорат қоидасини бузиб, 2024 йил 15 июнь куни ИИБдан рўйхатдан ўтиш учун келмаганликда айбли деб топилган.

Протестда, КАга адолатсиз енгил жазо тайинланганлиги сабабли, суд ҳукмини бекор қилиб, КАга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳолда янги айблов ҳукми чиқариш сўралган.

Судланган КА ўзининг эътирозномасида, протестга қўшилмаслигини билдирган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Т.Вахобовнинг маърузасини, прокурор Н.Асқаровнинг протестни қаноатлантириш ҳақидаги, судланган КА ва ҳимоячи Ш.Супиевнинг кассация протестини рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини бекор қилиб, янги айблов ҳукми чиқаришни лозим топди.

Судланган КА биринчи инстанция судида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам, жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2024 йил 5 апрель кунги қарори билан ўзига нисбатан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилиб, Фарғона вилояти худудидан ташқарига ИИБнинг рухсатисиз чиқиб кетмаслик, ҳар ойнанинг белгиланган кунида Қўштепа тумани ИИБдан рўйхатдан ўтиб туриш, ҳар куни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 06-00 га қадар ўз уйидан кўчага чиқмаслик, алкоғолли маҳсулотлар билан савдо қилувчи ресторан, бар ва бошқа кўнгилочар жойларга бормаслик каби чеклашлар белгиланганини, шундан сўнг Қўштепа туман ИИБ бошлиғи томонидан маъмурий назорат қоидаларига риоя қилиш зарурлиги, ҳар ойнанинг 1,15-санасида туман ИИБдан рўйхатдан ўтиши лозимлиги, акс ҳолда тегишли жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилгани, шундай бўлса-да, эсидан чиқиб қолгани сабабли 2024 йил 15 июнь куни туман ИИБдан рўйхатдан ўтиш учун бормагани, шундан сўнг ИИБ ходимлари чақириб, маъмурий назорат қоидаларини бузганлигини учун унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар тергов бўлимига топширилганини айтишганини, айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида;

гувоҳ *****, ички ишлар идораларида 2009 йилдан, эгаллаб турган Қўштепа туман ИИБ ХПБ профилактика катта инспектори лавозимида 2023 йил ноябрь ойидан буён хизмат қилиб келиши, Қўштепа тумани Ўқчи маҳалла фуқаролар йиғинида хизмат олиб бориши, бироқ профилактика катта инспектори лавозимида бўлгани учун Қорақушчи ва



бошқа бир нечта маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам унга бириктирилгани, ҳақиқатан ҳам, “Қорақушчи” МФЙ ҳудудида яшовчи муқаддам судланган КАга нисбатан жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2024 йил 5 апрель куни қарори билан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилиб, туман ИИБнинг рухсатисиз Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, ҳар ойнинг белгиланган кунида туман ИИБдан рўйхатдан ўтиш, ҳар куни кеч соат 22:00дан эрталабки 06:00га қадар ўз уйдан кўчага чиқмаслик, алкоғолли маҳсулотлар билан савдо қилувчи ресторан, бар ва бошқа кўнгилочар жойларга бормаслик каби чекловлар белгилангани, КА ушбу чекловларга риоя қилиши лозимлиги ҳақида ИИБ раҳбарияти томонидан ҳам, ўзи томонидан ҳам огоҳлантирилгани, шундай бўлса-да, КА маъмурий назорат қоидаларини бузиб, 2024 йил 15 июнь куни туман ИИБдан рўйхатдан ўтишга келмагани, мазкур ҳолат бўйича туман ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилгани ҳақида;

гувоҳ Д.*****, ички ишлар идораларида 2011 йилдан, эгаллаб турган Қўштепа туман ИИБ ЖХХ ҚПБ бошлиғи лавозимида 2022 йилдан буён хизмат қилиб келиши, ҳақиқатан ҳам, “Қорақушчи” МФЙ, Турон кўчаси, 68-уйда яшовчи муқаддам бир неча мартаба судланган КАга нисбатан жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2024 йил 5 апрелдаги қарори билан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилиб, ИИБнинг рухсатисиз Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, ҳар ойнинг белгиланган кунида туман ИИБдан рўйхатдан ўтиш, ҳар куни кеч соат 22:00дан эрталабки 06:00га қадар ўз уйдан кўчага чиқмаслик, алкоғолли маҳсулотлар билан савдо қилувчи ресторан, бар ва бошқа кўнгилочар жойларга бормаслик каби чекловлар белгиланганини, КА билан шахсан ўзи, ИИБ раҳбарияти, ҳудуд профилактика инспектори томонидан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, маъмурий назорат қоидалари ва белгиланган чекловларга риоя этиш, агар чекловлар бузилса ёки у томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда жиноий жавобгарлик келиб чиқиши ҳақида тушунтиришлар берилгани, ўрнатилган маъмурий назоратга асосан КА ҳар ойнинг 1,15-санасида ИИБдан рўйхатдан ўтиш учун келиши лозим бўлгани, лекин КА 2024 йил 15 июнь куни рўйхатдан ўтиш учун келмагани, 2024 йил 25 июнь куни профилактика инспектори билан КАнинг яшаш хонадонига бориб, нима сабабдан 15 июнь куни ИИБга бормаганини сўрагани, КА эсидан чиқиб қолгани учун бормаганини айтгани, шунда ҳолат юзасидан КАга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштириб, билдирги орқали туман ИИБ раҳбариятига мурожаат қилишгани ҳақида кўрсатув беришган.

Судлов ҳайъати судланган КАнинг кассация инстанцияси судидаги, профилактика инспектори Н.Юнусов унга ҳар ойнинг 25 санасида рўйхатдан ўтиш учун келишини айтиб, 2024 йил 30 май куни чақириб 2024 йил 15 апрель ва 2024 йил 15 май кунларига имзо қўйдириб олгани ҳақидаги важларини гувоҳ Н.Юнусовнинг кассация инстанцияси судидаги, Қўштепа туман ИИБ ЖХХ ҚПБ Профилактика инспектори лавозимида ишлаши, уни ҳудудидаги КАга нисбатан ўрнатилган маъмурий назорат бўйича КАни ўрнатилган



маъмурий назорат чекловларга амал қилиши ва ҳар ойнинг 15 санасида рўйхатдан ўтиб туришини назорат қилгани, КА қайд этиш варақасида кўрсатилган 2024 йил 15 апрель ва 2024 йил 15 май кунлари ИИБга келиб, имзо қўйгани ва чекловларга риоя қилиб келгани, фақат қайд этиш варақасида Д.Мамажонов фамилияси кўрсатилиб қолингани, 2024 йил июнь ойида таътилга чиққани учун КА маъмурий назорати билан ИИБ ходими Д.Мамажонов шуғуллангани, шунда КА 2024 йил 15 июнь куни ИИБга рўйхатдан ўтиш учун бормаган экани ва илгари КА маъмурий назорат қондасини бузгани учун маъмурий жазога тортилгани учун ҳужжатлар терговга топширилганини билгани, КА ҳақиқатда 2024 йил 15 апрель ва 2024 йил 15 май кунлари келиб имзо қўйгани, уни бошқа санада чақириб, апрель ва май ойларига имзо қўйдириб олмагани ва унга бошқа санада рўйхатдан ўтишини айтмагани ҳақидаги кўрсатуви билан рад қилади.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган КАнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган ваъдаларига баҳо берилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги айбига тўлиқ иқроқ бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳлар А.Махмудов ва Д.Мамажоновнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек, маъмурий назорат ўрнатиш ва маъмурий жазо тайинлаш ҳақидаги суд қарорлари, қайд этиш варақаси, огоҳлантириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан исботлангани ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши;

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм айбдорга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти



тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодекси 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасидаги жазо судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан юқоридаги қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига тўлиқ риоя қилинмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди КАга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаган бўлса-да, бироқ уни шахсини, яъни муқаддам бир неча марта қасддан жиноят содир этгани учун судланиб, ўта хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзига тегишли хулоса чиқармасдан қасддан янги жиноят содир этганини эътиборга олмасдан жиноятнинг хусусияти ҳамда унинг шахсига номувофиқ бир мунча енгил жазо тайинлаган.

Бундай ҳолатда биринчи инстанцияси судининг ҳукмини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485-моддасида, жазонинг адолатсизлиги ҳукми бекор қилиш учун асос бўлиши;

490-моддасида, жазо жиноятнинг оғирлигига, маҳкумнинг шахсига номувофиқ бўлса ёки жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган доирадан четга чиқмасдан тайинланган бўлса-да, бироқ тури ёки меъёри бўйича ўта енгил ёки ўта оғир бўлса, адолатсиз ҳисобланиши;

494-моддасида, апелляция, кассация ёки тафтиш инстанцияси суди суднинг ҳукмини бекор қилишга ва маҳкумга жазони кучайтирган ёки унга нисбатан эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаган ҳолда янги айблов ҳукми чиқаришга ҳақлилиги, суднинг айблов ҳукми апелляция, кассация ёки тафтиш инстанцияси суди томонидан фақат прокурорнинг протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятига кўра, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирган ҳолда янги ҳукм чиқариш орқали бекор қилиниши;

ЖПКнинг 497²⁶-моддасида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва янги айблов ҳукми чиқаришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди КАга оид суд ҳукмини бекор қилиб, уни ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топиб, КАга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3



февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодекси 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасидаги жазо судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилиб, унинг айбига қисман иқроор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб яна қасддан янги жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, шу билан бирга содир этилган жиноятнинг хусусияти, уни шахсини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялаш имкони йўқ деб ҳисоблаб, унга нисбатан айбланган модда санкциясида назарда тутилган доирада озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, биринчи инстанция судининг ҳукми бўйича тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўтаган ҳар бир кунини ЖКнинг 62-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегиришни, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖКнинг 50-моддасига асосан махсус тартибли колонияларда ўташни белгилашни, прокурорнинг кассация тартибидаги протестини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 485, 490, 494, 509⁹-509¹⁰-моддаларига асосланиб, кассация инстанцияси суди

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

КАга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2024 йил 11 сентябрдаги ҳукми бекор қилинсин.

КА Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

КАга Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

КАнинг 2024 йил 25 сентябрь кунидан 2025 йил 29 апрель кунига қадар озодликни чеклаш жазосининг ўтаган 7 ой 4 куни ЖКнинг 62-моддаси тартибида шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 1 йил 4 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 29 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.



КАга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД 2-МХ 10-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Кассация протести қаноатлантирилсин.

Кассация инстанцияси судининг ҳукми устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

Т.Вахобов

Ҳайъат судьялари:

Ф.Сиддиқова

Х.Сотволдиев



Раислик қилувчи:
Ҳайъат судьялари:

/имзо/

Т.Вахобов

/имзо/

Х.Сотволдиев

/имзо/

Ф.Сиддиқова

нусхаси аслига тўғри:
вилоят судининг судьяси

Т.Вахобов

